

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ**  
**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ**

**КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА  
САНАТОРИЙЛАРДА ДАВОЛАНИШ УЧУН ЙЎЛЛАНМАЛАР БЕРИШ  
ТАРТИБИ**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ - 2023**

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ КУТУБХОНАСИ**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ

---

**КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА  
САНАТОРИЙЛАРДА ДАВОЛАНИШ УЧУН ЙЎЛЛАНМАЛАР БЕРИШ  
ТАРТИБИ**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**



**ТОШКЕНТ – 2023**

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш тартиби. Услубий қўлланма.  
Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2023 й. 18 бет.

Мазкур услубий қўлланма Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш соҳасига ахборот-технологияларини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 19 ноябрдаги 693-сон қарорига мувофиқ кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмаларни бериш бўйича давлат хизмати кўрсатиш, ушбу давлат хизматидан фойдаланиш ва санаторийларда даволаниш учун йўлланмаларни тақсимлаш тартиби юзасидан республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ходимлари, шу жумладан, ҳудудий адлия органлари ходимлари учун ҳукуқни қўллаш амалиётини тўғри ва бир хилда ташкил этиш ҳамда амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан биргалиқда ишлаб чиқилган.

**Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**



© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2023 йил

**МУНДАРИЖА**

<b>1.</b>	<b>КИРИШ</b>	<b>-</b>	<b>6</b>
<b>2.</b>	<b>УМУМИЙ ҚОИДАЛАР</b>	<b>-</b>	<b>7-9</b>
<b>3.</b>	<b>АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР</b>	<b>-</b>	<b>9</b>
<b>4.</b>	<b>ЙҮЛЛАНМАЛАРНИ ОЛИШ УЧУН МУРОЖААТЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА ЮБОРИШ ТАРТИБИ</b>	<b>-</b>	<b>9-13</b>
<b>5.</b>	<b>ЙҮЛЛАНМАЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ</b>	<b>-</b>	<b>13-15</b>
<b>6.</b>	<b>ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР</b>	<b>-</b>	<b>16</b>
<b>7.</b>	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР</b>	<b>-</b>	<b>17</b>
<b>8.</b>	<b>ИЛОВАЛАР</b>	<b>-</b>	<b>18</b>

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 48-моддасига мувофиқ, Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 57-моддасига асосан меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида давлат ҳимоясидадир.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияда меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлишининг белгиланганлиги мазкур соҳани ягона ёндашув асосида ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли, шу жумладан, кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларга йўлланма бериш тизимини такомиллаштириш, мазкур соҳада қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига таъсирини кучайтириш, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида бундай шахслар йўлланмалар олиш учун Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) мурожаат қилиш имконияти яратилди.

Шунга кўра, 2022 йил 1 октябрдан бошлаб кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш бўйича давлат хизмати ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида ваколатли органлар ва фуқаролар томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этиш белгиланди.

Кенг қамровли ислоҳотлар даврида кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар манфаатлари йўлида адлия органлари томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганиб борилиши бундай тоифадаги шахсларга санаторийларга йўлланма бериш ва олиш билан боғлиқ зарур қонунчилик ҳужжатларининг изчиллик билан такомиллаштириб борилишига хизмат қиласи.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур қўлланма кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларга йўлланма бериш, шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан санаторийларда даволаниш учун йўлланмаларни бериш бўйича давлат хизматидан фойдаланиш ҳамда санаторийларда даволаниш учун йўлланмаларни тақсимлаш тартиби билан боғлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш юзасидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини бир хиллаштиришга хизмат қиласди.

2. Қўлланма республика ва маҳаллий давлат ҳокимият органлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) адлия бўлимлари (кейинги ўринларда – худудий адлия органлари) ходимлари учун хизматда фойдаланиш учун методик қўлланма вазифасини ўтайди.

3. 2022 йил 1 октябрдан бошлаб кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга Давлат хизматлари марказлари орқали санаторийларда даволаниш учун йўлланмаларни бериш, бундай шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан санаторийларда даволаниш учун йўлланмаларни бериш ҳамда бундай шахсларга Давлат хизматлари марказлари орқали санаторийларда даволаниш учун йўлланмаларни тақсимлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматларидан фойдаланиш учун жисмоний шахслар фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали мурожаат қиласдилар.

4. Йўлланмалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (Агентлик) тизимидағи



5. Йўлланмалар қуидаги тоифадаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга берилади:

уруш ногиронларига ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар;	ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг янги никоҳдан ўтмаган бева хотинлари (бева эрлари);	республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчи шахслар;	Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек, Чернобиль ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган шахслар;
ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро обьектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар;	I ва II-гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, кўзи ожиз I-гуруҳ ногиронини кузатиб борувчи шахс;	ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар;	ёшга доир пенсия олувчилар.

6. Йўлланмаларни бериш даврийлиги (бирламчи мурожаат этганлар бундан мустасно) қуидагилардан иборат бўлади:

### а) ҳар йили — навбат асосида:

уруш ногиронларига тенглаштирилган шахсларга; республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчи шахслар;	Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек, Чернобиль АЭС ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган шахсларга;	ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро обьектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларга; ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга;
--	---	--

### б) икки йилда бир маротаба — навбат асосида:

уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларга;	ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг янги никоҳдан ўтмаган бева хотинларига (бева эрларига);	I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, кўзи ожиз I гуруҳ ногиронини кузатиб борувчи шахсга;
--	---	--

### в) уч йилда бир маротаба — навбат асосида ёшга доир пенсия олувчиларга.

## II. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

7. Мазкур қўлланмада қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**кексалар** — ёшга доир пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини берадиган ёшга етган фуқаролар;

**ногиронлиги бўлган шахс** — ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс;

**уруш ва меҳнат фахрийлари** — 1941-1945 йиллардаги урушда қатнашган, мазкур уруш оқибатида I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар ва меҳнат фронти фахрийлари;

**йўлланма** — кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларнинг белгиланган хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

## III. ЙЎЛЛАНМАЛАРНИ ОЛИШ УЧУН МУРОЖААТЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА ЮБОРИШ ТАРТИБИ

8. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ёки уларнинг вакиллари давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказларига келиб мурожаат этадилар ёки давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтадилар.

**Буни билиш зарур**

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ўзлари ёки вакиллари келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса — мустақил тарзда белгиланган шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдирадилар.

9. Сўровномага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат нусхаси;

- (пенсия гувоҳномаси, мавжуд бўлса, имтиёзларини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

тиббий маълумотнома

- (даволовчи шифокор томонидан бериладиган санаторий-соғломлаштириш тавсия этиладиган маълумотнома).

10. Қўйидаги касалликлар мавжуд бўлганда шахсга тиббий маълумотнома берилмайди:

беморнинг ўзи ва атрофдагилар учун  
хавфли бўлган қўпол ва хулқий  
бузилишлар билан кечадиган руҳий  
касалликлар

жараённинг фаол босқичидаги сил  
касаллиги

юқумли тери ва соч касалликлари

ўткир юқумли касалликлар

салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда  
ўтадиган шиш касалликлари ва  
рецидивлари

таносил касалликлари

11. Сўровнома зарур маълумотлар расмийлаштиргандан ва киритгандан сўнг кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (ЭРИ, дактилоскопия, электрон имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқланади.

**Буни билиш зарур**

Давлат хизмати кўрсатилгани учун йифим ундирилмайди.

12. Сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

**Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар**

давлат хизматларидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, уларнинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, тасдиқлангандан сўнг барча ҳужжатлар 10 дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса — сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

13. Ваколатли орган сўровнома тушганидан сўнг, уларнинг электрон реестрини юритади ва фуқаролар томонидан кузатиб борилиши учун навбатлар тўғрисидаги маълумотлар расмий веб-сайтида реал вақт режимида янгилаб борилишини таъминлайди.

14. Йўлланмалар санаторийларнинг мавжуд ўринларидан келиб чиқсан ҳолда ажратилган бюджет маблағлари доирасида навбат асосида берилади.

Уруш ногиронларига ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар учун санаторийларга йўлланмалар **биринчи навбатда** берилади.

15. Йўлланмалар кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга 12 кунга, йўлланмаларнинг амал қилиш муддати бошланишидан 10 кун олдин (асосли сабабларга кўра қайтарилиган йўлланмалар бундан мустасно) берилади.

**Буни билиш зарур**

Мазкур муддат ўтгандан сўнг **5 кун ичидаги йўлланмалардан фойдаланувчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар томонидан йўлланма бўйича санаторийларга мурожаат қилинмаганда берилган йўлланма **бекор қилинади**.**

16. Санаторийда соғломлаштириш учун берилган йўлланмада кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг тоифаси, йўлланманинг муддати ҳамда уни расмийлаштирган ваколатли органнинг номи тўлиқ кўрсатилиши лозим.

17. Ваколатли орган навбати келган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга QR-код (матрик штрихли код) қўйилган йўлланмани расмийлаштиради ҳамда уни ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон равища юборади.

### 18. Давлат хизматлари маркази

йўлланма тушганидан сўнг 10 дақиқа мобайнида уни кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон манзилига юборади (мавжуд бўлганда) ва уларни бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласди. Давлат хизматлари маркази кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ўзлари ёки вакиллари келиб мурожаат қиласди, уларнинг сўровига кўра, уларга йўлланмани электрон шаклда ёки қоғоз шаклда бериши мумкин.

## IV. ЙЎЛЛАНМАЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ

19. Агентлик Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент тузилмаларининг (кейинги ўринларда — ҳудудий тузилмалар) талабномаларига асосан кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сонига мувофиқ республика санаторийларига йўлланмаларни тақсимлаш режасини ҳар чорақда тасдиқлайди.

20. Тасарруфида маҳаллий санаторийиси бўлган ҳудудий бошқармалар, ваколатли органларнинг талабномаларига асосан кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сонига мувофиқ маҳаллий санаторийларга йўлланмаларни тақсимлаш режасини ҳар чорақда тасдиқлайди.

21. Ажратилган йўлланмалар бевосита ваколатли органларга етказиш учун санаторийга этиб келишнинг белгиланган санасигача 15 кундан кеч бўлмаган муддатда Агентлик томонидан ҳудудий тузилмаларга юборилади.


22. Фойдаланилган йўлланмалар тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорақдан кейинги ойнинг 5-кунига қадар ҳудудий бошқармалар томонидан Агентликка тақдим этилади.

Йўлланмалар фақат уларда кўрсатилган муддатларда ҳақиқий ҳисобланади. Йўлланмада кўрсатилган муддатдан олдин санаторийга қабул қилинмайди, санаторийга кечикиб келинган кунлар тикланмайди.

## Буни билиш зарур

Йўлланмадан фақат унда кўрсатилган шахсина фойдаланиши мумкин. Санаторийга битта йўлланма билан биттадан ортиқ киши (шу жумладан, ёш болалар ҳам) қабул қилинмайди.

23. Санаторийга ташриф буюрган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ўзи билан бирга йўлланмадан ташқари шахсини тасдиқловчи хужжат ва соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан йўлланмага асосан берилган санаторий-курорт картасини олиб келиши лозим.



24. Санаторийларга қабул қилиш чоғида юқори ҳарорат ёки ноаниқ этиологияли тошма аниқланган шахслар соғлиқни сақлаш муассасаларига юборилади.

25. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар саломатлигининг ҳолатига ёки бошқа асосли сабабларга кўра йўлланмадан белгиланган муддатда фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, йўлланмада кўрсатилган санаторийга келиш муддатидан камида **уч кундан кеч бўлмаган** муддатда бу ҳақида Давлат хизматлари марказига хабар бериши ва йўлланмани қайтариши лозим. Давлат хизматлари маркази ходими бу ҳақида **1 соат** мобайнида ваколатли органни хабардор

26. Йўлланма олиш навбати келган фуқаро Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарига вақтинча чиқиб кетган бўлса, шунингдек, асосли сабабларга кўра йўлланмадан фойдаланмаган тақдирда, фуқароларнинг навбат муддати кейинги ойга кўчирилади. Бундай ҳолатда фуқаро олдинги ариза рақамини қўрсатиб, белгиланган тартибда қайта мурожаат қилганда йўлланмалар биринчи навбатда берилади.

27. Қайтарилган ва фойдаланилмаган йўлланмалар ваколатли орган томонидан навбат асосида бошқа кекса ёки ногиронлиги бўлган шахсга расмийлаштириб берилади.

28. Санаторий раҳбарлари соғломлаштирилган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг санаторийда ҳақиқатда бўлган вақти, муддатидан олдин кетган бўлса, унинг сабаблари кўрсатилган маълумотларни йўлланманинг “Қайтариладиган қисми”га киритади ҳамда ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, ахборот тизими орқали ваколатли органга юборади.

29. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга берилган ва улар томонидан фойдаланилган йўлланмалар ҳисоби ваколатли органлар томонидан юритилади.

30. Ваколатли органлар йўлланмаларнинг жойларда ўз вақтида ва мақсадли берилиши, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар йўлланмаларни олишларида адолат тамойилларига ҳамда навбатлиликка қатъий амал қилинишини таъминлашда жавобгар ҳисобланади. Ҳудудий бошқармалар юқоридаги вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши устидан назоратни олиб бориш учун масъул ҳисобланади.

31. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатиладиган хизматлар сифати учун санаторийлар раҳбарлари жавоб берадилар.

## V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

32. Қўлланма билан норматив-хуқуқий ҳужжатлар нормалари ўртасида тафовут бўлган тақдирда норматив-хуқуқий ҳужжатлар нормалари қўлланилади.

33. Ҳудудий адлия органлари ва туман (шаҳар) адлия бўлимлари мазкур Қўлланмани тўғри қўллашда Агентликнинг ҳудудий тузилмалари ва ходимлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатади.



## **VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

- 1.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
- 2.** “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонун
- 3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон Фармони
- 4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-куватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони
- 5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 11 майдаги ПҚ-5113-сон қарори
- 6.** Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш соҳасига ахборот-технологияларини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 19 ноябрдаги 693-сон қарори

Услубий қўлланмага  
илова

**Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун  
йўлланмалар бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар	Йўлланма олиш учун Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиш ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтиш	Хоҳишига кўра
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази.  2. Ягона интерактив давлат хизматлари портали.	Сўровномани ваколатли органга юбориш	1. Сўровнома тўлдирилгандан кейин 10 дақиқа ичида.  2. Автоматик тарзда.
3-босқич	Ваколатли орган	1. Сўровнома тушганидан сўнг уни электрон реестрда қайд этиш.  2. Йўлланма бериш рад этилган тақдирда, рад этиш сабабларини тегишли Давлат хизматлари марказига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига электрон тарзда юбориш.  3. Йўлланма расмийлаштирилган тақдирда, тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юбориш.	1. Сўровнома келиб тушганидан кейин 10 дақиқа ичида.  2. Навбат келганда.  3. Навбат келганда.
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Йўлланма тушганидан сўнг уни кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон манзилига юбориш (мавжуд бўлганда) ва уларни бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилиш.  2. Ўзи (ёки ишончли вакили) келиб мурожаат килгандага йўлланмани электрон ёки кофоз шаклида бериш.  3. Йўлланма бериш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари тўғрисида кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни хабардор қилиш.	10 дақиқа ичида